Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 1 февраль, № 21 (6979) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЖАМИЯТИМИЗДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган сурат.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёнида прокуратура органлари томонидан қилинаётган ишлар ва улар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари прокуратура органлари олдида турган устувор вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Прокуратура органлари ходимлари ислоҳотларни самарали амалга оширишда ўзларининг бор салоҳияти, билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарурлиги таъкидланди. Қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг амалий ижросини сўзсиз таъминлаш прокуратуранинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланмоғи лозим.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори фаровон ҳаётимиз асоси бўлган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун шароитлар яратиш прокуратура органлари томонидан кафолатланиши зарурлигига қаратилди.

Прокурорларнинг секторлар раҳбари сифатидаги фаолиятида энг муҳим вазифаларидан бири одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш мақсадида ҳудудларни ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Давлат бошқарувини халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш прокуратура органларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилишни якунлар экан, прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келаётган Отабек Муродов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.

ЎзА.

ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА — ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш соҳада амалга оширилган ишлар таҳлили ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга бағишланди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони вакиллари, ҳукумат аъзолари, шунингдек, МХХ марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларининг раҳбар ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда алоҳида таъкидландики, ҳамма замонда ҳар қандай давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан миллий хавфсизлик масалалари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси, наркотик моддалар ва қурол-яроғ воситаларининг ноқонуний савдоси каби трансмиллий таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда ушбу вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўтган даврда Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон суверенитетини, мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш ҳамда ҳимоя қилиш ишларига салмоқли ҳисса қўшгани қайд этилди.

Бу, айниқса, бизнинг яқин ва узоқ ёнатрофимизда рўй берган турли инқирозлар, айрим бузғунчи кучлар томонидан мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга уринишлар содир этилган жуда оғир йилларда яққол намоён бўлди.

Шу билан бирга, йиғилишда Миллий хавфсизлик хизматининг фаолияти холис баҳоланган ҳолда, унинг айрим бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалари фаолияти танқид қилинди. Идоралараро ҳамкорлик, тезкор ва қидирув тадбирларини ўтказиш, шунингдек, кадрлар билан ишлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Миллий хавфсизлик хизматининг таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш кераклигини таъкидлади. Махсус хизмат доирасига кирмайдиган вазифалар билан шуғулланадиган, бошқа давлат тузилмалари фаолиятини такрорлайдиган бўлинмаларни тугатиш, айни вақтда миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини таъминлайдиган бўлинмаларни мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон тараққиётининг Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган кенг кўламли вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг барча соҳалари давр талаби асосида тубдан ислоҳ этилаётган янги шароитда Миллий хавфсизлик хизматининг яқин келажакка мўлжалланган устувор вазифалари белгилаб олинди.

Президентимиз Миллий хавфсизлик хизмати давлатнинг ҳуқуқ-тартибот органларидан бири сифатида ўзининг кундалик фаолиятини мамлакатимизнинг барча вазирлик ва идоралари учун асосий фаолият мезонига айланган "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойил асосида ташкил этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг "Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонуни ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Қонунда МХХнинг асосий функция ва вазифалари белгилаб берилади ва энг муҳими, унинг қабул қилиниши билан мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органларининг ваколат доиралари аниқлаштириб олинади.

Ҳар қандай жамоа, жумладан, МХХ иш фаолиятининг самараси ҳам кадрлар, биринчи навбатда, унинг раҳбар ходимларига, уларнинг ўз бурчига садоқати, профессионал даражаси, меҳнатсеварлиги ва юксак масъулиятига боғлиқ, деб алоҳида қайд этди Президентимиз.

МХХ бўлинмалари ўзининг ваколати доирасида халқимизнинг муаммоларини ҳал қилишга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотларига олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ишларига яқиндан ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти МХХ ўқув юртларининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларига ёш кадрларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакат қонунчилиги талабларига оғишмай риоя этиш, турли синовларга чидамли бўлиш, ўз устида мунтазам ишлаш ва профессионал маҳоратини узлуксиз ошириб боришга интилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишни қатъий вазифа қилиб қўйди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлангани муносабати билан Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Республика Бош прокурори лавозимида ишлаб келаётган Ихтиёр Абдуллаев Миллий хавфсизлик хизмати раиси этиб тайинланди.

Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг бўлинмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА.

ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

Унда жисмоний ва юридик шахслар учун бир қатор янги қулайлик ва имкониятлар тақдим этилмоқда.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига ариза, шикоят ва таклифлар билан мурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш юзасидан барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди. Мазкур тизимнинг асоси бўлган Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди. Президент виртуал қабулхонасига ўтган қисқа даврда 1 миллион 600 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бу, бир томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончи тобора ошиб бораётганидан далолат бўлса, иккинчи томондан, жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш даражаси юксалиб бораётгани, одамлар яратилган имконият ва қулайликлардан ўз кундалик ҳаётида тўғри ва мақсадли фойдалана олаётганини кўрсатмоқда.

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, ахборот ва коммуникация технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги шиддатли даврда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида илм-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш аҳолига янги ва қўшимча қулайликларни яратиш имконини беради. Шу маънода, ўтган даврда мурожаатлар билан ишлаш тизимида тўпланган катта тажриба ва ўтказилган чуқур таҳлиллар, фуқароларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, Виртуал қабулхона дастурий тизимини янада такомиллаштириш устида иш олиб борилди. Бинобарин, 2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида ҳам мурожаатчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилган эди.

Шулар асосида Президент виртуал қабулхонаси дастурий тизимининг янги талқини ишлаб чиқилди ва 1 февраль куни тест режимида ишга туширилади. Сайт манзили ўзгармаган — **pm.gov.uz.** Бунда **«pm»** қисқартмаси — **«Президентга мурожаат»** тарзида талқин қилинади.

Мурожаат юбориш шакли ҳам ўзгармаган: мурожаатларни 0-800-210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига қўнғироқ қилиш, pm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириш орқали ёхуд Халқ қабулхоналарига ташриф буюриб юбориш мумкин.

Виртуал қабулхонанинг такомиллаштирилган талқинида жорий қилинган асосий янгиликлар эса қуйидагилардан иборат.

Фуқаро Виртуал қабулхонада ўз шахсий кабинетини очиши мумкин

Президент виртуал қабулхонасининг янги талқинида мурожаатчи ўз хоҳишига кўра, шахсий кабинет очиши мумкин. Бунинг учун жисмоний шахс рўйхатдан ўтиш жараёнида фуқаролик паспортида кўрсатилган шахсий идентификация рақамини ҳам киритиши керак. Бу — мурожаат қилувчи учун идентификациялаш (электрон гувоҳнома) имконияти бўлиб, катта қулайлик яратади.

«Фуқароларнинг шахсий кабинети» модулидан кўзланган мақсад — фуқароларга Виртуал қабулхона тизимида ишлашда максимал қулайлик яратиш, муайян шахснинг мурожаати билан боғлиқ барча ёзишмаларни бир жойда жамлашдан иборат.

Виртуал қабулхона тизимида фуқаролар киритган маълумотларда (исм-фамилия, туғилган йили, яшаш манзили ва ҳоказо) турли хатоликлар учраб турарди. Натижада, дейлик, айни бир шахс юборган бир нечта мурожаатлар тарихини ўзаро боғлиқликда ўрганишда қийинчиликларга дуч келинарди. Мурожаатчи билиб-билмай ўзи ҳақидаги маълумотларни киритишда хатога йўл қўйса, тизимда буни аниқлаш механизми мавжуд эмас эди.

Шу пайтгача ҳар бир мурожаатни топиш учун унинг рақами, мурожаатчининг тўлиқ исм-шарифи, манзили, мобиль телефон рақамини базага киритиб излаш керак эди. Мурожаатчи учун ўзининг барча мурожаатлари ҳаракатини бир жойда кўришнинг иложи йўқ эди. Мурожаатчилар эса бир масаладаги турли мурожаатлари ва уларга йўлланган жавобларни, одатда, қоғозга чоп этилган ҳолатда сақлайди. Буларнинг барчаси мурожаатчилар учун ҳам, мурожаатлар билан ишлашда ҳам ноқулайлик, ортиқча вақт ва куч сарфлашни тақозо қилиб келаётган эди.

Шу пайтгача мурожаатчилар янги мурожаат юборишда персонал маълумотларни такроран киритиши лозим эди. Энди мурожаатчи ўз шахсий кабинетига кириб, персонал маълумотларни бир марта киритса, бўлди — кейинги барча амалларни бажаришда шу маълумотлар тизимга автоматик юкланиб бораверади. Мурожаат юбориш учун ҳар сафар персонал маълумотларни янгидан киритишга зарурат қолмайди.

Ўз навбатида, ариза, шикоят ва таклифларнинг фуқаролар шахсий паспорт маълумотлари билан тасдиқланиши мурожаатчилар шахсини аниқлаш ишончлилигини таъминлайди. Шахсий кабинет орқали шахснинг давлат органлари билан бўлиб ўтган барча ёзишмалари (барча мурожаатлар ва жавоб хатлари) бир жойда, қулай тартибда жамланади ва керакли мурожаат жавобини излаб топиш осонлашади.

Кўп бериладиган саволларга батафсил жавоблар

Виртуал қабулхонада **«Кўп бериладиган саволлар»** бўлими ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад мурожаатчига ўзини қизиқтирган саволга расмий мурожаат қилмасдан ҳам жавоб олиш имкониятини яратишдан иборат.

Таҳлиллар фуқароларимиз томонидан муайян соҳа ёки мавзу юзасидан **умумий характердаги ҳуқуқий ахборот ва ҳуқуқий маслаҳат** олиш учун ҳам мурожаат юбориш ҳолатлари кўп эканини кўрсатмоқда. Улар керакли маълумотни олиш учун маълум муддат кутишига тўғри келган, давлат органлари эса айни бир мазмундаги жавоб талаб қилувчи кўп сонли мурожаатларга алоҳида жавоб юборишга мажбур бўлаётган эди.

Шу муносабат билан фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилиш натижасида кўп берилган саволлар аниқлаб олиниб, уларнинг жавоблари оддий ва тушунарли тилда ифодаланиб, махсус бўлимда жамланди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Қонунларни қабул қилишда чуқур ёндашув керак

"Маълумки, шу йил январь ойининг бошида парламент аъзолари ҳудудларда бўлиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганишди. Сайловчилар кўтараётган ва уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш учун жорий йилда қандай қонунларни қабул қилиш кутилаяпти?"

Мухбиримизнинг мазкур саволига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида жавоб қайтарилди.

Қўмита раиси ўринбосари Т. Абдусатторовнинг қайд этишича, депутатларнинг одамлар билан бевосита мулоқотлари қизғин ўтди. Барча соҳада муайян камчиликлар борлиги аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилди. Тўғри, сайловчилар кўтараётган масалалар ҳар жиҳатдан долзарб. Уларни тегишли қонунлар қабул қилиш йўли билан ҳал этишда ҳар томонлама чуқур ва вазмин ёндашув керак. Мисол учун, аҳоли билан мулоқотлар чоғида автомобиль фойдаланувчилари йўл қоидаларига оид айрим қоидабузарликлар бўйича жарима миқдорларини хавфлилик даражасига қараб кўриб чиқиш зарурлигини сўрашади. Ёки аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, фуқароларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун ер ажратишга оид кўплаб мурожаатларни келтиришимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда).

www.xs.uz /xs.uz.narodnoeslovo.uz @xs_ns

Халқ сўзи

2018 йил 1 февраль

ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

Унда жисмоний ва юридик шахслар учун бир қатор янги қулайлик ва имкониятлар тақдим этилмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда уй-жой, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик ва банк фаолияти, ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва лицензиялаш, ветеринария хизматлари, солиқлар ва жарималар, ахборот технологиялари ва коммуникациялари, транспортга оид ва ҳуқуқий масалалар, таълим, фан ва маданият, меҳнат ва аҳоли бандлиги, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа турли масалаларига оид саволларга жавоблар мавжуд. Керакли саволга жавобни калит сўзлар ёрдамида излаб топиш имконияти ҳам яратилган.

Махсус статистика модули орқали қайси саволларнинг жавоби энг кўп ўқилганини таҳлил қилиш мумкин. Энг кўп танишиб чиқилган мавзу автоматик равишда юқори поғонага кўтарилиб бораверади.

Янги бўлим мурожаатчини қизиқтирган савол кўп бериладиган саволлар сирасига кирса ва унинг жавоби маълум бўлса, уни мурожаат йўлламасдан ҳам топиш имконини тақдим этиши билан аҳамиятлидир.

Портал орқали онлайн режимида ҳуқуқий маслаҳат олиш мумкин

Виртуал қабулхонанинг янги дастурий тизимида фуқароларга қулай бўлган шаклда турли муаммо ва масалалар бўйича малакали юридик ёрдам берилишини таъминловчи **«Онлайн маслаҳатчи»** модули яратилди. Бу модул **«Кўп бериладиган саволлар»** бўлими билан ҳамоҳангликда ишлайди.

Бунда турли тармоқлар ва фаолият соҳалари бўйича маслаҳатчи сифатида жалб этилган малакали мутахассислар жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериб бориши ва мазкур хизмат шу йил 15 февралдан бошлаб тест режимида ишга туширилиши кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мурожаатларнинг салмоқли қисмини ҳуқуқий ахборот ёки маълумот олиш мақсадида юборилган мурожаатлар ташкил этади. Фуқаролар ҳаётда учрайдиган турли-туман масалаларда ҳуқуқий маслаҳат олиш учун ҳам Виртуал қабулхонага мурожаат қилар ва мурожаат кўриб чиқилиб, жавоби мурожаатчига етиб боргунича анчагина вақт талаб қилинар эди.

«Онлайн маслаҳатчи» хизмати Виртуал қабулхона орқали савол юбориб, онлайн режимида юридик маълумотга эга бўлган мутахассислардан тезкор ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини тақдим этмоқда. Эндиликда у ёки бу масала бўйича ҳуқуқий ахборот олиш учун бир неча кун жавоб хати келишини кутиш зарурати қолмайди. Бу, ўз навбатида, порталда рўйхатга олинаётган, фақат ҳуқуқий маълумот олиш назарда тутилган мурожаатлар сони қисқаришига, давлат органларида бошқа турдаги мурожаатлар билан ишлаш сифати ошишига хизмат қилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий маълумот олишга бўлган эҳтиёжлари тезкор равишда таъминланишига эришилади. **«Онлайн маслаҳатчи»** модули орқали кўп бериладиган саволлар мунтазам таҳлил қилиниб, шу асосда **«Кўп бериладиган саволлар»** бўлими тўлдириб борилади.

Давлат органлари раҳбарларига Президент Виртуал қабулхонаси орқали ҳам мурожаат йўллаш мумкин

«Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ва уларга мурожаат юбориш» модули жорий қилинди. Бу билан **pm.gov.uz** манзилида барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ягона базада жойлаштирилди. Яъни давлат органлари раҳбарларининг фуқаролар қабулига доир маълумотлар — қабул кунлари, вақти, тегишли телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, давлат органининг манзили ҳақидаги маълумот бир жойда жамланди.

Айрим ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар ўзларини қизиқтирган масала учун қайси давлат органи масъул экани борасида етарли билимга эга бўлмайди. Шу боис мазкур модулда алоҳида **«Функция ва вазифалар»** бўлими ташкил этилиб, давлат органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ функция ва вазифалари тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш имконияти яратилди.

Ҳозир турли бўғиндаги раҳбарларнинг виртуал қабулхоналарига мурожаат йўллаш шакллари турлича бўлиб, уларнинг расмий веб-сайтларида бу ҳақда эълон қилинган. Бироқ уларни излаб топишда ноқулайликлар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фуқароларга портал базасида ўз мурожаатларини бевосита тегишли давлат органларига юбориш имкониятини тақдим этиш мақсадида давлат органлари раҳбарларининг шахсий виртуал қабулхонасига мурожаат йўллаш шакллари бир жойга жамланди. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай йўсинда йўлланган мурожаатлар билан ишлаш жараёни ҳам доимий равишда назорат қилиб борилади.

Халқ қабулхоналари ҳақидаги барча маълумот билан портал орқали ҳам танишиш мумкин

«Халқ қабулхоналари манзиллари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Барча Халқ қабулхоналарининг манзили, телефон рақамлари, электрон почтаси, геолокация маълумотлари ва бошқа фойдали материаллар қулай тартибда тақдим этилмоқда. Фуқаролар ва тадбиркорлар керакли Халқ қабулхонаси тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон интерактив харитаси орқали топиши мумкин. Алоҳида олинган Халқ қабулхонасининг жойлашган манзили онлайн харитада ёки сунъий йўлдошдан суратга олинган харита режимида кўрсатилган.

Маҳаллангизни кўрсатинг ва муаммолар ечимига ҳисса қўшинг

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида фуқаро мурожаат юбориш жараёнида ўзи истиқомат қилаётган маҳаллани ҳам кўрсатиб ўтиши учун имконият яратилди. Бу муаммога ечим топиш даражасини янада оширади. Шу йўл билан мурожаатда кўтарилган муаммо муайян ҳудуддаги қайси секторга тааллуқли экани аниқланади. Айни пайтда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳудудида қандай муаммолар мавжуд эканини онлайн таҳлил қилиш, уларни комплекс ҳал этиш учун яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган аниқ чора-тадбирлар, “йўл харита”лари ишлаб чиқиш имкониятлари кенгаяди.

Таъқиб бўлса, тезкор хабар бериш мумкин

Виртуал қабулхонадаги яна бир янгилик — мурожаатчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида **«Таъқиб ҳақида хабар»** модули жорий қилингани бўлди. Агар кимда-ким ариза ёки шикоят билан мурожаат қилгани туфайли таъқибга учрайдиган бўлса, бу ҳақда махсус тугма орқали тезкор хабар бериши мумкин. Бундай хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини жалб этган ҳолда, устувор ва тезкор равишда кўриб чиқилади.

Мурожаат ва масъулият

Энди порталда фуқаролар ўз мурожаатини юборишдан аввал мурожаат юбориш қоидалари билан танишгани ва бу борада қонунда белгиланган масъулияти тўғрисида хабардор эканини тасдиқловчи белги қўяди. Бу мурожаатчиларнинг ҳам масъулиятини оширишга, мурожаат маданиятини юксалтиришга туртки беради.

Шу пайтга қадар айрим мурожаатчилар томонидан мурожаат юбориш жараёнида бошқа шахсларга тегишли бўлган ёки умуман мавжуд бўлмаган телефон рақамини кўрсатиш, бошқа фуқаролар номидан мурожаат юбориш ҳолатлари учраб турарди. Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш муайян вақт ва ресурсларни талаб қилишини, аниқ мақсадсиз мурожаат учун сарфланган вақтни бошқа асосли ариза ёки шикоят устида ишлашга йўналтирган ҳолда, муаммони ҳал қилиш фуқаролар учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам ҳар томонлама фойдали эканидан келиб чиқиб, янги тизимда мобиль телефон рақамини тасдиқлаш механизми жорий этилди.

Бунда мурожаатчи махсус мурожаат шаклига ўз мобиль телефон рақамини киритади. Шундан кейин мурожаатчининг мобиль телефонига бир марталик пароль СМС-хабар шаклида юборилади. Натижада ҳам мурожаат аниқлиги ва ишончлилиги ортади, ҳам мобиль телефон рақами тасдиқланади. Бу барча давлат органларининг виртуал қабулхоналари фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

Шу пайтгача фуқаролар ва тадбиркорлар ўз мурожаатлари кўриб чиқилишининг жорий ҳолатини исталган вақтда базага махсус рақамни киритиш йўли билан текшириб кўриш имкониятидан фойдаланиб келаётган эди. Янги талқиндаги тизимда мурожаатнинг қабул қилингани ва назоратдан ечилгани тўғрисида тасдиқланган мобиль телефон рақамига СМС-хабарнома юборилиши йўлга қўйилмоқда.

Янгиликлардан хабардор бўлиб боринг

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти, ижобий ҳал этилган масалалар, Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари тўғрисидаги янгиликлар билан янада кенгроқ танишиш имконияти яратилди. Порталга келиб тушган ва кўриб чиқилган мурожаатларнинг умумий сонини, статистик маълумотларни реал вақт режимида кузатиш имконияти мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, Виртуал қабулхонанинг янги талқини жисмоний ва юридик шахсларга самарали ахборот, интерактив хизматларни тақдим этиш билан бирга, фуқароларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш имконияти ва қулайлиги даражаси ошишига хизмат қилади.

ЎзА.



Қонунларни қабул қилишда чуқур ёндашув керак

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда қўмита аъзоси Ш. Полвонов қабул қилинадиган қонунларнинг ҳар жиҳатдан пухта, энг муҳими, оддий одамларга ҳам тушунарли бўлиши, бунинг учун қонун тили техникасини соддалаштириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Шу билан бирга, тегишли қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни халқдан олиш, уни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тизимидан самарали фойдаланиш кераклигини билдирди.

Шунчаки расмиятчиликдан холи, самимий, қизғин мунозаралар асосида ўтган анжуманда қўмитанинг 2017 йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Эътироф этилганидек, ўтган йилда қўмита томонидан 53 та қонун кўриб чиқилди. Депутатлар ташаббуси билан киритилган 11 қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Шунингдек, 2 та қонун ижроси бўйича назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширди.

Қўмитага келиб тушган 767 та мурожаат атрофлича ўрганилди. Уларда кўтарилган муаммоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун тегишли давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва мансабдор шахсларга юборилди.

Халқаро йўналишдаги саъй-ҳаракатлар эса қўмита аъзоларининг хорижий парламентлар тажрибасини таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этишга ёрдам берди. Чунончи, Олий Мажлисда тузилган дўстлик гуруҳларига қўмита аъзоларидан ҳам киритилган.

Анжуманда қўмита аъзолари журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам батафсил жавоб қайтардилар.

Зиёда АШУРОВА.

Ўзбекистон — Афғонистон:

Тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга бўлиб, миллий урф-одатларимиз ҳамда анъаналаримиз ўхшаш. Ана шу жиҳатлар бугунги кунда кўплаб масалалар бўйича яқин мулоқотни давом эттириш имконини бераяпти.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Афғонистон муаммосини ҳал қилишда ўзининг мақсад ва принципиал позициясига содиқ қолмоқда. Расмий Тошкент Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмак беришда тинчликсевар лойиҳаларни амалга ошириш, қўшни давлатнинг узоқ муддатли урушдан вайрон бўлган иқтисодиётини тиклашда иштирок этиш орқали ўз қатъиятини намойиш қилиб келаяпти.

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

Ўзбекистон Президенти минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлашда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишнинг стратегик аҳамиятини инобатга олиб, энг юқори мартабали минбарлардан туриб, жаҳон афкор оммасининг эътиборини афғон можаросини ҳал қилиш заруратига қаратаётир. Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, орадан бир ой ўтиб, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳамда 2017 йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, “Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир. Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак”.

Ўзбекистон ҳамда Афғонистон ўртасидаги замонавий муносабатлар икки мамлакат халқларининг фаровонлигини оширишга, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган кўп томонлама сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан тавсифланади.

Ўзбекистон ва Афғонистоннинг конструктив ҳамда дўстона муносабатлар ўрнатиш борасидаги жиддий интилишлари туфайли 2017 йил томонлар ҳамкорлиги учун мисли кўрилмаган даражада янги истиқбол очди, дейиш мумкин.

Икки давлат раҳбарларининг учрашувлари, вазирликлар ва идоралар ўртасидаги мулоқотлар мунтазамлик касб этди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Афғонистон Президенти Ашраф Ғани Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (Остона) саммитлари, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси доирасида (Нью-Йорк) учрашди. 2017 йилнинг 4 — 6 декабрь кунлари Афғонистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи икки давлат муносабатларида янги саҳифа очди. Ташриф якунига кўра, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларга оид 20 ҳужжат имзоланди. Уларнинг аксарияти нафақат Афғонистон ҳамда Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамиятга эга. Жумладан, томонлар Ўзбекистон мутахассислари томонидан Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли ва Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линияси қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришди.

2017 йил якунлари бўйича Ўзбекистон ҳамда Афғонистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 39,6 фоиз ошиб, 599 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Томонлар ўзаро савдо ҳажмини жорий йилда бир миллиард долларга етказиш учун яна кўплаб захиралар ва имкониятларга эга.

Афғонистон ишбилармонлари ўзбекистонлик шериклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш билдираяпти. Мамлакатимизда Афғонистон томони иштирокида 70 та корхона, шу жумладан, 100 фоиз хорижий капитал эвазига ташкил этилган 20 та корхона фаолият юритаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Шунингдек, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида 2017 йилнинг 8 декабридан Кобулдан Тошкентга тўғридан-тўғри парвозлар амалга оширила бошлангани муҳим амалий қадамлардан бири бўлди.

Аввалги келишувларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилнинг бошида бир қатор муҳим воқеалар кузатилди. Бу Ўзбекистоннинг нафақат Афғонистон муаммосига, балки ушбу мамлакат билан муносабатларида изчиллик касб этаётганини кўрсатади.

Биринчидан, Тошкентда Афғонистон бўйича халқаро конференция ташкиллаштирилади. Маълумки, 19 январь куни Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Марказий Осиё ва Афғонистон масалаларига бағишланган муҳокамаларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Афғонистон билан жорий йил март ойининг охирида Тошкентда “Афғонистон — тинч келажак сари йўл” мавзуида халқаро вазирлар конференцияси ўтказилишини маълум қилди. Унинг мақсадлари: Афғонистондаги тинчлик музокараларининг асосий тамойилларини мувофиқлаштириш, Афғонистон ҳукумати ҳамда қуролли мухолифат ўртасида музокаралар олиб бориш механизмини ишлаб чиқиш, музокаралар жараёнини қўллаб-қувватлаш учун халқаро қўшма тадбирларни мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг таъкидлашича, Тошкент конференциясининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Тадамичи Ямамото, Европа иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик масалалари бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, Россия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Туркия, Саудия Арабистони ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи ишлар идоралари раҳбарлари қатнашиши кутилмоқда.

Бугун Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши Евросиё минтақасининг барча мамлакатига катта наф келтириши ҳеч кимга сир эмас. Бу яқинда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Афғонистонда вазиятни бартараф этишга бағишланган учрашувида ҳам қўшни давлатлар вакиллари ва асосий ташқи иштирокчилар томонидан бир овоздан таъкидланди. Уларнинг сўзларига кўра, сўнгги 20 йиллик тажрибага таянилса, Афғонистон Ислом Республикасидаги мавжуд муаммоларни куч билан ҳал қилишга уринишлар самарасизлигини аниқ кўрсатмоқда. Шу муносабат билан Афғонистондаги тинчлик ҳамда хавфсизликнинг асосий масалалари, шунингдек, марказий ҳукумат ва қуролли мухолифат кучлари ўртасида бевосита мулоқот орқали ўзаро келишувга эришиш бўйича кенг миқёсли халқаро консенсусга эришиш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарурагдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент конференцияси ташаббуси бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш жараёнига жалб қилинган кўплаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров “Россия шу йилнинг мартида бўлиб ўтадиган Афғонистон масалалари бўйича вазирлар учрашуви йиғилиши ташаббусини илгари сурган Ўзбекистонни қўллаб-қувватлайди”, деди.

Хорижлик экспертларнинг айтишича, 1999 йилда Тошкентда Ўзбекистон ташаббуси билан “6+2” мулоқот гуруҳи йиғилиши низолашаётган томонлар вакиллари, хусусан, “Толибон” ҳамда Афғонистоннинг қўшни мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари, Россия ва Америка Қўшма Штатлари иштирокида бўлиб ўтган эди. Музокаралар якунида Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан Тошкент декларацияси қабул қилинди. Халқаро кузатувчилар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик жараёнини тарғиб этиш бўйича муваффақиятли тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, олдинда турган навбатдаги йиғилиш афғон муаммосини ҳал қилишда муҳим қадам бўлиши мумкин, деб таъкидлашди.

Иккинчидан, Мозори Шариф — Ҳирот темир йўлини қуриш бўйича музокаралар жараёни бошланди. Жорий йилнинг 20 январь куни Бош вазир ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати делегацияси Афғонистонга амалий ташриф билан борди. Ташриф асносида Афғонистон Президенти Ашраф Ғани, ижро ҳокимияти раҳбари Абдулла Абдулла, молия вазири Эклил Ҳакимий ҳамда бошқа расмий шахслар ва ҳукумат аъзолари, шунингдек, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестициялари банки раҳбарияти вакиллари билан музокаралар олиб борилди.

Кобулдаги музокараларда Тошкентда 2017 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Афғонистон олий даражадаги мулоқотларида эришилган келишувларни амалга оширишнинг амалий жиҳатлари муҳокама этилди ҳамда Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли йўналишлари ҳамда лойиҳани молия институтлари томонидан ташқи молиялаштириш масалалари бўйича вазирликлараро маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Афғонистон раҳбари учрашувда мамлакатлар ўртасида, шу жумладан, инфратузилма соҳасида ҳамкорликнинг кенгайиши аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ва минтақа ривожига хизмат қилишини қайд этди. Шу маънода айтганда, чет эллик мутахассислар Ўзбекистоннинг темир йўл лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда қуриш бўйича ижобий тажрибасидан фойдаланиш Афғонистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтишди. Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши Марказий ҳамда Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасида минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ижобий туртки бўлади.

Учинчидан, Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази очилди. Жорий йилнинг 22 январь куни Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида Афғонистон раҳбарининг инфратузилмалар, технологиялар ва инсон ресурслари масалалари бўйича катта маслаҳатчиси Ҳумаюн Қаюмий бошчилигидаги делегация аъзолари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази очилиш маросими бўлиб ўтди.

Янги таълим марказида афғон ёшлари икки, тўрт ва олти йиллик кундузги таълим дастурлари бўйича сабоқ олишади. Афғонистон тарафининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, олий таълим бўйича 17 та йўналишда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича 16 та йўналишда ўқув режалари ишлаб чиқилди. Афғон талабаларини ўқитиш учун марказга мамлакатимизнинг энг малакали профессор-ўқитувчилари жалб қилинган.

Марказнинг кўп қаватли муҳташам ўқув биноси, 110 ўринга мўлжалланган талабалар ётоқхонаси, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ҳамда спорт майдончалари, ошхона афғонистонлик талабалар учун хизмат қилади. Бинода кимё ва физика каби фанларни чуқур ўзлаштириш, темир йўл транспорти тизимини пухта ўрганиш учун махсус кабинетлар, лингафон хоналари, лабораториялар ташкил этилган. Маиший, савдо ҳамда бошқа хизматлар кўрсатадиган шохобчалар мавжуд. Ахборот-ресурс маркази иқтисодий-техник ва ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги фанлар бўйича етарли ўқув ҳамда ёрдамчи дарсликлар, бадиий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар, Ўзбекистонда ишланган 50 дан ортиқ бадиий ҳамда ҳужжатли фильмлар, аудиотўпламлар дисклари билан тўлдирилган.

Келгусида марказни янада кенгайтириш, ёзги ошхона ва новвойхона, ҳаммом ҳамда кир ювиш биносини янгидан қуриш режалаштирилган. 300 ўринли қўшимча ётоқхона қуриш мўлжалланган.

Таълим марказининг илк талабалари — 96 нафар афғонистонлик йигит-қиз ўзбек тили ва адабиёти йўналишига қабул қилинди. Улар икки йил мобайнида соҳа бўйича етук мутахассис бўлиб етишади. “Термизда барпо этилган ушбу таълим муассасаси мактаб ҳамда боғчаларимиздаги ўзбек тили мутахассисларига бўлган эҳтиёжни таъминлайди. Келгусида темир йўл, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳам малакали мутахассислар тайёрлаб беради”, деди Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг МДҲ давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича махсус вакили Шокир Коргар ушбу муҳим тадбир ҳақида.

Умуман, ўтган йили икки томонлама муносабатларда эришилган ижобий натижалар, турли даражада ўзаро мулоқотлар жадал кенгайиб боргани Ўзбекистон ҳамда Афғонистон ўртасида тўлақонли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлди ҳамда икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Бу эса нафақат Ўзбекистон ва Афғонистоннинг миллий манфаатларига мос келади, айни пайтда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилади.

Бахтиёр МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти маркази раҳбари.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

дастлабки натижаларини бермоқда

Президентимиз мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига бормасин, халқ билан мулоқот қилади, аҳолининг дарду ташвишлари билан қизиқади. Жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг ҳақиқий аҳволи билан яқиндан танишади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга ташрифи вилоят аҳлига кўтаринкилик, ғайрат-шижоат бағишлади. Бу уларнинг таҳририятимизга йўллаётган дил сўзларида ҳам яққол ифодасини топмоқда.

ДИЛ СЎЗИ

Иброҳим ХОЛИЁРОВ,
Қарши туманидаги
“Бахт” кўп тармоқли
фермер хўжалиги раҳбари:

— Дунёда бирор-бир эзгу ҳодисот, кутилган воқеа ўз-ўзидан рўй бермайди. Яхшилик, эзгулик, пок амаллар ҳукм сурган ерда беҳисоб шарофатлар бўй кўрсатади. Шунда, ҳақиқатан ҳам, Ер юзида фақат эзгуликкина мўъжизалар яратишга қодир эканлигига амин бўласан.

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан Қашқадарёда ўтган бир йил давомида кўплаб уй-жойлар, замонавий корхоналар, боғу роғлар бунёд этилди.

Ҳар бир туманда амалга оширилган ишларга нисбатан “Аъло даражада, эртага бундан-да аъло бўлишига ишончимиз комил”, дея шукроналар айтамиз.

Фермерлик мисолида сўз юритсам, Президентимиз кўп тармоқли фаолият ҳақида бежиз жон койитиб гапираётганлари йўқ. Қишлоқ мулкдори фақат пахта, ғалла, мева-сабзавот етиштириш билан чекланиб қолмаслиги керак-да ахир. Ўз ҳосилини ўзи қайта ишласа, тайёр маҳсулотга айлантириб бозорга чиқарса, мўмай даромад эмасми?! Қўшимча иш ўринлари ҳисобидан шу ерлик ёшларнинг ҳам бандлиги таъминланади. Шундан келиб чиқиб, хўжалигимизда янги мажмуага асос солганмиз. Чорвачилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик ҳамда қуёнчилик билан бир қаторда, бир гектар майдонда иссиқхона фаолиятини ҳам йўлга қўйдик. Бу ерда лимон ва апельсин кўчатларини парваришлаяпмиз. Кечки помидор ҳамда бодринг етиштирмоқдамиз. Ўз навбатида, хориждан келтирилган илғор технологияларимиз кунига 1 тонна гўшт ва яна шунча сутни қайта ишлаш имкониятига эга. Тайёрланаётган колбаса, сут, кефир, пишлоқ ҳамда сметана сингари ноз-неъматларни ички бозорга етказиб бераяпмиз.

Давлатимиз раҳбари хўжалигимиз фаолияти билан танишиш асносида қўшимча тармоқларни янада кенгайтириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини бердилар. Бу келгуси фаолиятимизда дастуриламал бўлади.

Раҳматилло УСМОНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идорасининг вилоятдаги вакили,
вилоят бош имом-хатиби:

— Давлатимиз раҳбари Шаҳрисабзга келиб, “Дор ут-тиловат” мажмуаси, Кўк гумбаз масжиди, Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Саййидин мақбараларини зиёрат қилдилар. Сўнг Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳига бордилар, ўз ҳурмату эъзозларини бажо келтирдилар.

Қаранг, айнан шу арафада Қашқадарёга қор ёғди. Эртасига эса обираҳмат.

Буюк аждодларимиз руҳи шод бўлганининг акс садосидек шундай баракотлар бизга туҳфа этилди.

Вилоятимиздаги ҳар бир фермеру деҳқоннинг кўнглидан шу фикрлар ўтган бўлса, ажаб эмас.

Қутлуғ қадамнинг хосияти кўп, дейди элимиз.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йили февраль ойида вилоятимизга ташрифи чоғида Абу Муин Насафийнинг Қарши туманида жойлашган мақбарасини обод қилиш юзасидан зарур кўрсатма ва тавсиялар берган эдилар. Мана, орадан қарийб бир йил ўтиб, бу жой табаррук зиёратгоҳ қиёфасини олаяпти. Буюк олимнинг асарларини мутолаа этиш ҳамда халқимизга етказиш учун кутубхона ташкил қилинаётир. Куни кеча Юртбошимиз бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш асносида уламолар билан суҳбат қурдилар. Абу Муин Насафий китобларини қайта нашрга тайёрлаш зарурати ҳамда улкан тарбиявий аҳамияти хусусида гапирдилар. Албатта, бу эзгу амаллар ёшларнинг маърифатига, маънавиятига чексиз куч-қувват бахш этади, муқаддас динимиз софлигини асрашга хизмат қилади.

Севинч ҲАМРОЕВА,
Қарши шаҳридаги
Абдулла Орипов номидаги
ихтисослаштирилган
мактаб-интернати ўқувчиси:

— Ўзбекистоннинг энг бахтиёр қизларидан бириман! Чунки Президентимиз ҳузурида шеър ўқидим! Тўғри, жудаям ҳаяжонландим. Лекин шундай даргоҳда ўқиётганимни эслаб дадиллигим ошди. Ғурур билан қаддимни тик тутдим.

Давлатимиз раҳбарига Ибройим Юсупов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаблар ўқувчилари билан онлайн тарзда ўтказган мушоирамиз ҳам маъқул бўлди. Абдулла Ориповдек буюк шоир номига муносиб фарзандлар бўлиб етишинглар, деб тилак билдирдилар бизга. Шундан сўнг бир гуруҳ ўқувчилар Юртбошимиз совғасини қабул қилиб олдик. Бу кунни сира унутмаймиз.

«Халқ сўзи» мухбири
Аҳад МУҲАММАДИЕВ
ёзиб олди.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Юртимиз мудофаа соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар миллий армиямиз қудратини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда унинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилаётгани мамлакатимизда ҳарбий-сиёсий фаолиятга устувор аҳамият қаратилаётганининг ифодасидир.

Мамлакатимиз мудофаа тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори

Президентимиз томонидан жорий йил 9 январда имзоланган Қонун билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тасдиқланиши улкан сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш долзарб вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган мазкур ҳужжат бир қатор ўзига хос жиҳатларига эга. Энг аввало, ушбу Доктринанинг очиқлигини қайд этиш жоиз. Бу ташқи сиёсатимиз очиқ, қўшни давлатлар билан дўстона ҳамда амалий муносабатларни ривожлантириш, бошқа чет давлатлар билан ҳамкорликни юксалтиришга хизмат қилади.

Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан мазкур ҳужжатни қабул қилиш орқали Ўзбекистон барча мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни юртимиз миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларини инобатга олган ҳолда, ўзаро наф кўриш, тенг ҳуқуқлилик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч воситалар ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шакилланган чегараларнинг бузилмаслиги ҳамда ўзгармаслигини тан олиш асосида қуришини билдиради. Шунингдек, Доктринани рўёбга чиқариш республиканинг миллий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилишини белгилаб беради.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжат жаҳон ва минтақадаги вазият, юзага келаётган хатару таҳдидларга, мамлакат имкониятларига мос ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, шу вақтгача амалда бўлган ҳарбий ҳамда мудофаа доктриналарини яхлит ҳужжатга бирлаштирди.

Унда миллий армиямизнинг қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди. Шу билан бирга, бугунги кунда вужудга келган вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш негизида соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ифодаланди. Хусусан, мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятни баҳолаш ва чуқур таҳлиллар асосида таҳдидларни аниқлаш, давлатимиз мудофаа соҳасидаги сиёсатининг принципиал ёндашув ҳамда йўналишлари, Қуролли Кучларнинг вазифалари ва қўллаш асослари, шунингдек, мамлакат мудофаасига раҳбарлик қилиш тартиблари мантиқий кетма-кетликда очиб берилди.

Бу бежиз эмас. Чунки Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони мамлакатимиз мудофаа тизимининг ташкилий тузилмаси, унинг ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ҳамда офицерларнинг маънавий ва руҳий тайёргарлик даражаси бугунги тез ўзгараётган давр талабларидан ортда қолаётганини таъкидлаган эди. Шу боис ўтган қисқа вақтда миллий армиямизни ислоҳ этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиниб, Қуролли Кучларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш жараёни кенг миқёсда бошлаб юборилди.

Жумладан, мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ҳамда тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Миллий гвардия барпо этилди, армияни янги қуроллаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил қилинди. Ҳарбий соҳадаги ислоҳотларимиз самарасини янада оширишда эса ушбу Доктрина муҳим роль ўйнайди.

Мудофаа тизимини ҳарбий-иқтисодий таъминлаш, хусусан, Ўзбекистонда ҳарбий саноат комплексини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланишига ҳам мазкур ҳужжатнинг яна бир муҳим фундаментал аҳамиятга эга қирраси, деб қараш лозим. Зеро, ҳар қандай мустақил давлат ўз мудофаа хавфсизлигини таъминлашда миллий иқтисодиётининг таянч соҳасига айланган миллий мудофаа саноати қудратига таяниши талаб этилади. Шу маънода, Президентимизнинг Мудофаа саноати давлат қўмитасини ташкил қилишга оид қарори билан мамлакатимизда мудофаа мақсадидаги буюртмалар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ягона сиёсатни мувофиқлаштириб борувчи махсус орган тузилиши айни муддао бўлди.

Доктринада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий камчиликлар, жумладан, кадрлар масаласи, қўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир бир қатор муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ечими бўйича аниқ вазифалар кўзда тутилгани эътиборга молик. Мазкур жиҳат давлатимизнинг бу борадаги сиёсатида марказий ўрин эгаллаган хавфсизликнинг бўлинмаслиги ҳамда шу каби энг асосий тамойилларга мос келади.

Эндиликда Доктринанинг ижросини таъминлаш учун ҳукуматнинг амалдаги қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш, давлат бошқаруви органларининг унга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш, энг муҳими, биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда унинг моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаш талаб этилади.

Бу масалалар Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам белгилаб берилди. Унга мувофиқ, Мудофаа доктринасининг ўз вақтида ҳамда самарали рўёбини таъминлаш борасида тегишли идоралар томонидан аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши кўзда тутилди. Амалдаги қонунчиликка, жумладан, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш ва тегишли идоравий ҳужжатларни қайта ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Бундан ташқари, Доктрина ижроси доирасида Президентимизнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида белгилаб берилган вазифаларга жиддий эътибор қаратилади. Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ролини фаоллаштириш, ҳарбий округлар қўшинларининг жанговар таркибини янада такомиллаштириш, қўшинларни бошқариш тизимини автоматлаштириш ва оптималлаштириш орқали армиямизнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариш салоҳиятини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминот тизимини янада такомиллаштириш борасида 2020 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш ана шулар жумласидандир.

Ушбу муҳим вазифаларни рўёбга чиқариш мамлакатимиз осойишталигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг тинч ҳамда фаровон ҳаёт кечиришларини кафолатлашга хизмат қилади.

Акмал РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари.

Савдо-сармоявий алоқалар янада кенгаяди

Урганч шаҳрида Ўзбекистон — Жанубий Корея ишбилармонлари бизнес форуми бўлиб ўтди.

БИЗНЕС ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, ишбилармонлар, шунингдек, Жанубий Кореянинг қурилиш, озиқ-овқат саноати, савдо, заргарлик ва шахсий гигиена буюмлари, тиббиёт анжомлари, газбаллон ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш, АКТ, қадоқлаш материаллари, тўқимачилик ҳамда тўқимачилик қурилмалари, логистика, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бораётган йирик корхоналари ва компаниялари вакиллари қатнашди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган навбатдаги анжуман истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалиётга татбиқ этиш, янги қўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишда қўшимча имконият бўлди.

Ўзбекистон Корея Республикасининг асосий савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Жанубий Кореянинг Марказий Осиё давлатлари билан маҳсулот айланмаси ҳажмининг ярмидан ортиғи Ўзбекистон улушига тўғри келиши, шунингдек, республикамизга Корея Республикасининг жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ошгани ана шундан далолат беради.

Бугунги кунда, асосан, қурилиш ва туризм хизматлари, пахта толаси, пластмасса ҳамда ундан тайёрланган маҳсулотлар, қурилиш материаллари экспорт қилинаётган бўлса, автотранспорт воситаларининг қисмлари, механик ва электр ускуналари, пластмасса буюмлари, қора металл, кимё ҳамда резина маҳсулотлари импорт қилинаётир.

Форумда икки давлат ишбилармонлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича истиқболли келишувларга эришилди.

Тадбир доирасида иштирокчилар миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-ярмаркасига ҳам ташриф буюриб, қўлигул ҳунармандларимиз томонидан яратилган ижод намуналари билан танишдилар.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУЛОҚОТ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 декабрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига тасдиқланган Комил Тожибоев ўзи таълим олган Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги 33-умумтаълим мактаби педагог ва ўқувчилари билан учрашди.

Академик мактабга қуёш батареяси совға қилди

Мактаб даври ҳотираларини ёдга олган академик таълимнинг ўша даврдаги аҳволи ҳақида батафасил тўхталиб, бугун ёшлар учун яратилган шарт-шароитнинг қадрига етиш ва улардан оқилона фойдаланиш лозимлигини таъкидлади. Ўз навбатида, фан соҳасида эришган муваффақиятларида ўқувчилик йилларида олган сабоқлар, устозлар ўгити пойдевор бўлганини эътироф этди.

Қишлоқдан чиққан биринчи фан доктори ҳамда академик К. Тожибоев мактабнинг энг иқтидорли ўқувчилари ва фан олимпиадалари ғолибларини ўз ҳисобидан Тошкент шаҳрига саёҳат қилдириш ҳамда бугунги кунда ўзи директор лавозимида ишлаётган Фанлар академияси Ботаника институти фаолияти билан яқиндан таништиришга ваъда берди.

Шунингдек, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети кафедра мудири, академик Муҳаммад Кабир Баҳодирхонов ҳам тумандаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан учрашув ўтказди. У тадбир сўнгида ўзи яратган қуёш батареяси билан ишловчи қурилмани мактабнинг физика хонасига совға қилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мурожаатлар тингланди, муаммолар жойида ўрганилди

Бугун Ангрен Тошкент вилоятининг истиқболли шаҳарларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили ҳудудга ташрифи чоғида берган тавсия ва кўрсатмалари изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётир. Натижада шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, одамларнинг турмуш шароитида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланаяпти.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўтган қисқа вақт мобайнида Ангренда кўплаб тураржой бинолари фойдаланишга топширилди. Янги корхоналар барпо этилди, иш ўринлари яратилди. Биргина “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида 2017 йилда бешта лойиҳа ишга туширилган бўлиб, уларда 400 га яқин йигит-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Шаҳарда ташкил этилган оммавий қабулда бу каби ютуқлар билан бир қаторда, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, қатор вазирлик ҳамда идоралар, банклар раҳбарлари ва масъуллари иштирокидаги оммавий қабул аввалгиларидан фарқ қилди. Гап шундаки, мутасаддилар бу гал юзма-юз мулоқотларда фуқаролар мурожаатларини тинглаш билан чекланиб қолмай, шаҳар аҳлини ўйлантираётган долзарб масалаларни жойига чиқиб ўргандилар.

Асосий эътибор ички йўлларнинг ҳолати, газ, электр энергияси ҳамда иссиқлик таъминоти, эҳтиёжмандларга уй-жой берилиши ва ишсизлик муаммоларига қаратилди. Ёшларни, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, томорқа имкониятларидан самарали фойдаланиш каби масалаларга ҳам аҳамият берилди. Мавжуд муаммолар секторлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрилгани, аҳолининг бу борада муносабати, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашилгани айни муддао бўлди.

Таъкидлаш лозимки, оммавий қабулга ариза, шикоят ҳамда таклиф билан бир қаторда миннатдорлик билдириш учун келганларнинг ҳам сони оз эмас эди. Ногиронлиги бўлган Абдуҳаким Нуронов, Наримон Басиров, Адҳам Усмонов ана шундай ҳамюртларимиздан бўлиб, имтиёзли асосда уй билан таъминлангани улар ҳаётига яхши ўзгаришлар олиб кирганини қайд этишди.

— Икки фарзандимнинг имконияти чекланган. Ўтган йили шаҳримизда ташкил қилинган сайёр қабулда уй-жойга муҳтожлигимизни айтиб, ёрдам сўрагандим. Мана, имтиёзли асосда уй-жойли бўлдик. Миннатдорлигимни айтиш учун шу ерга келдим, — дейди қувончини яшира олмаган Нилуфар Имоматова.

Ана шундай самимиятга тўла сўзларни ангренлик ёш шифокор Бекзод Аҳмедов ҳам оила аъзолари билан биргаликда баён этди. Бу оила ипотека кредити асосида уч хонали уйга эга бўлиб, бугунги кунда хотиржам ва фароғатда ҳаёт кечирмоқда.

Оммавий қабуллар давомида ўнлаб мурожаатлар жойида ечимини топди. Масалан, Ҳафиза Ҳасанова тадбиркорлигини янада кенгайтириш мақсадида ер ажратиш учун шаҳар ҳокимига мурожаат қилган эди. Масала атрофлича ўрганилди. Шу куни шаҳар ҳокимининг ер ажратиш ҳақидаги қарори тадбиркорга топширилди. Қолаверса, ногиронлиги бор ўн нафар фуқарога махсус аравачалар берилди. Эҳтиёжмандлар қўлтиқтаёқ, ҳасса ҳамда бошқа мосламалар билан таъминланди.

Олий маълумотли муҳандис, гидротехник Аҳрор Турғунбоев “Оқова сув” давлат унитар корхонасининг шаҳар филиалига ишга кирганига икки йил бўлди. Ҳанузгача лавозими ҳам, бажарадиган вазифаси ҳам аниқ эмас. Ўзининг таъбири билан айтганда, “навбатчи” — ким меҳнат таътилига чиқса, унинг ўрнига тайинланади. Шу дамга қадар қоровул ҳам бўлиб ишлади, чилангар бўлиб ҳам кўрди. Бу орада икки марта қисқартириш баҳона ишдан четлаштирилди, яна тикланди. Муқим иш сўраб мурожаат қилган мутахассиснинг масаласига узил-кесил нуқта қўйиладиган бўлди.

Муаммоси ҳал этилганлар сафида Равшан Каримов ҳам бор эди. Айрим сабабларга кўра, йигит доимий рўйхатга қўйилмаган. Шу боис бувисининг уйига маҳалла раиси, профилактика инспектори бориб, ушбу масалада хонадон эгасининг розилигини олишди.

Паспорт билан боғлиқ яна бир муаммо. Йигирма олти йил шаҳар мактабларидан бирида ўқитувчилик қилган Тамара Аҳмедовани қийнаётган масала кўпчиликни таажжублантирди. Унинг қўлида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти бор. У мамлакат фуқароси сифатида бўлиб ўтган барча сайловда иштирок этган. Амалдаги тартибга мувофиқ, 45 ёшида ҳеч бир эътирозсиз паспортини алмаштирган. Ҳатто шу паспорт билан тегишли расмиятчиликдан сўнг чет давлатларга ҳам бориб келган. Энди хорижда яшаётган қизининг тўйига бориш мақсадида ҳужжатларни расмийлаштираётганида ўқитувчи аёлнинг паспорти ноқонуний берилган деб топилди. Бормаган идораси, кирмаган эшиги қолмади. Ушбу чигал масалага ечим топишни Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари ўз зиммасига олишди.

Оммавий қабулга келган Валентина Лукянцева эса Дукент қўрғонидаги ўткир муаммоларни ўртага ташлади. Бу ерда ичимлик суви, табиий газ таъминоти кўнгилдагидек эмас, канализация тизимининг ишламаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда. Болалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шарт-шароит йўқ. Муваффақиятли фаолият кўрсатган болалар бадиий ижодиёт уйи асоссиз ёпиб қўйилган. Ушбу масалалар юзасидан тегишли сектор раҳбарининг ҳисоботи эшитилди. Муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгилаб олинди.

Шу куни фуқаролар томонидан кўтарилган яна қатор масалалар шаҳар масъуллари “йўл харитаси”га киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига, Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни жойида ўрганиш мақсадига йўналтирилган оммавий қабуллар Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олимлар эплолмаган ишни уддалаган боғбон

- *Халқимиз "қиш меваси" дея эъзозлайдиган лимон бугун бозорларимизда сероб. Нархи ҳам ҳамёнбоп. Чунки юртдошларимиз аллақачон бу цитрус неъматни уй шароитида етиштиришнинг ҳадисини олишган. Аммо ярим аср аввал буни фақат орзу қилиш мумкин эди, холос.*
- *Ёши улуғ кишилар яхши эслашади: илгари Ўзбекистонга лимон чет давлатлардан олиб келинар, ушбу шифобахш неъматни сотиб олишга эса ҳамманинг ҳам қурби етмасди.*
- *Хўш, иссиқсевар ўсимлик маҳаллий иқлим шароитига қай тариқа мослаштирилди?*

ИБРАТ

Аслида, мазкур наботот намунасини иқлимлаштириш ҳаракати 1932 йилда бошланган эди. Ўшанда юртимизга Грузиядан келган 15 нафар олим маҳаллий мутахассислар кўмагида цитрус экинни экиб, кўпайтиришга киришади. Бироқ уч йиллик синов амалиёти кутилган натижани бермайди. Яъни Ўзбекистонда қиш қаттиқ келиши оқибатида дарахтларни совуқ уради. Лимон иссиқ ва ёруғсевар, айни пайтда намга талабчан ўсимлик эмасми, 17-18 даража ҳароратда яхши ривожланади. 1,5-2 даража совуқда унинг меваси ва новдалари, 5-6 даражада эса дарахтнинг бутун танаси нобуд бўлади.

Ҳафсаласи пир бўлган олимлар ўсимликларни кўмиб ташлашга қарор қилади. Жараённи яқиндан кузатган Фахриддин бобо эндигина 10 ёшга тўлган ўғлига қарата "Зайниддин, ўсимлик тўғри парваришланса, онатупроғимизда, албатта, ҳосил беради", дейди.

Бу бўлғуси боғбоннинг лимонга меҳри тушишига катта туртки беради. Орадан йиллар ўтса-да, мазкур инжиқ ўсимликни кўпайтириш фикри унинг хаёлидан бир зум ҳам кетмайди. Бироқ кўчатни қаердан олади?

"Тадбирли одам танг аҳволда қолмайди", деганлари рост экан. Буни қарангки, боғбон наъматакка атиргулни пайванд қилиш орқали етиштирган кўчатларга Грузияда талаб ортиб кетади. Натижада унинг орзуси рўёби сари йўлакча очилади.

Гап шундаки, Зайниддин Фахриддинов атиргул ўрнига цитрус дарахт ниҳолларини олиб келади. Экишда эса анъанавий усуллардан воз кечиб, траншеяни қўллайди. Яъни ернинг бир ярим метр тупроғи олиб ташланиб, усти ёпиқ ҳолда, иситкичсиз парваришлай бошлайди.

Чин дилдан қилинган меҳнат самараси узоқ куттирмади. 1960 йил октябрь ойида лимон дарахтларидан нишона ҳосил узиб олинди. Шу тариқа З. Фахриддинов изланишлари туфайли юртимизда боғдорчиликнинг янги тармоғи — лимончиликка асос солинади. 1965 — 1995 йилларда Тошкент вилоятининг ҳозирги Қибрай тумани ҳудудида умумий майдони салкам 70 гектарлик иссиқхона бунёд этилиб, лимонзорлар яратилади. Унинг ҳар гектаридан 30 тоннадан ҳосил олинади. У нафақат республикамиз аҳолиси дастурхонига тортиқ этилади, балки экспорт ҳам қилинади.

Халқ селекционери, фахрий академик Зайниддин Фахриддинов томонидан лимоннинг "Ф-2 Юбилейний", "Золотое яблоко", "Тошкент", "Мейр" маҳаллий навлари яратилган. Улар серҳосиллиги, мевасининг йириклиги, ўзгача мазаси билан алоҳида қадрланади.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан лимончиликни ривожлантириш, иссиқхоналар барпо этиш, цитрус мевалар етиштиришни кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилаётгани ўзбек лимончилигининг асосчиси бўлган Зайниддин Фахриддинов ишини давом эттираётган биз, фарзандлари, шогирдлари кўнглини тоғдек кўтармоқда. Чунки лимончилик сердаромад тармоқлар сирасига киради. Харажати кам, фойдаси эса юқори.

Яна бир муҳим жиҳати, ўсимликни траншея усулида ҳеч қандай ёқилғисиз парваришлаш мумкин. Ниҳоли ўтқазилгандан сўнг 3-4 йилда мева тугади. Унинг ҳар тупидан 15 — 20 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Бу уй шароитида гултувакда парваришланган бир туп лимон битта оиланинг ушбу тансиқ неъматга бўлган талабини бемалол қондиради, деганидир.

Саноат усулида етиштирилганда эса гектаридан 30 тоннадан ошириб ҳосил териб олинади. Унинг ҳар килограммини ўртача 10 минг сўмдан сотган тақдирингизда ҳам 300 миллион сўм даромад кўриш мумкин.

Ушбу меванинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги ролини эса маблағ билан ўлчаб бўлмайди. Бинобарин, лимон шарбати таркибида 3,5 — 8,1 фоиз кислота, 1,9 — 3 фоиз қанд, С, РР ва В витаминлари, пектин моддалар, темир, фосфор, калий, кальций, магний тузлари бор. Шу боис лимон меваси қон босими ошганда, қандли диабет, юрак-қон томир касалликларида энг самарали восита сифатида тавсия қилинади. Озиқ-овқат саноати, айниқса, қандолатчиликда муҳим хом ашё саналади. Гули таркибида эфир мойлари ниҳоятда кўплиги туфайли косметика саноатида ўта қадрланади. Мурғак бачкиси чой қилиб ичилса, кўплаб хасталикларнинг олдини олади.

Юртимизда лимончиликни янада равнақ топтириш борасида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳосилдорлиги, таъми, шифобахш хусусиятлари билан фарқланувчи Ўзбекистон лимонининг янги навларини яратиш борасидаги илмий изланишларни изчил давом эттириш, уни дунё халқлари дастурхонига тортиқ қилиш борасида қўшимча имкониятларни туҳфа этмоқда.

Раъно ХОДЖАЕВА,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

ТИББИЁТ



Инсон юраги перистальтик насос сингари ишлайди. Хўш, ана шу мураккаб жараённинг математик моделларини яратиш мумкинми?

Математикларимиз яратган мукаммал модель

Профессор Қуролбой Наврўзов бошчилигидаги тадқиқотчилар бунинг уддасидан чиқишди. Бинобарин, физика-математика фанлари доктори бошчилигида қон ҳаракати, эритроцит, тромбоцит ва лейкоцитларнинг плазма суюқлиги муҳитида чўкиш механизми ҳам аниқланди.

Олинган натижалар қувонишга асосли. Унга кўра, бемор қонидаги эритроцит заррачаларининг чўкиш тезлиги ҳамда реакцияларига қараб касаллик тури ва оғирлик даражасини аниқлаш мумкин.

Тажриба натижалари Хоразм вилояти темир йўл шифохонаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Хоразм филиалида синовдан ўтказилди.

Одилбек ОДАМБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Касаллик тарихи компьютерда жамланади

Беморларга ташхис қўйиш жараёни янада тезлашадиган бўлди. Негаки, энди уларнинг касаллик тарихига оид маълумотлар компьютерларда жамланади. Яъни лаборатория таҳлиллари, аниқ ташхис, белгиланган даво муолажалари ҳақида билиш учун клавиатуранинг керакли тугмаси босилса, кифоя.

Бу янгилик Наманган шаҳар марказий шифохонасида амалиётга жорий этилди. Натижада тиббиёт муассасасининг барча бўлими локал тармоқда "MedData AAT" ахборот тизими орқали бир-бири билан боғланди.

Инновацион амалиёт тиббий баённомани электрон тарзда юритиш имконини беради. Қолаверса, даволанувчи лабораторияга текширув учун қон топширган бўлса, таҳлил натижалари бемор ётқизилган бўлимдаги компьютерда ҳам кўринади. Бундан ташқари, шифокорнинг даволаш-диагностика стандартларига қай даражада риоя этаётгани бўлим мудирлари томонидан назорат қилиб турилади.

— Касаллик тарихига оид ҳужжатларни архивдан излаш каби ноқулайликларга барҳам берилди, — дейди шаҳар марказий шифохонаси бош шифокори Абдували Мавлонов. — Бундан ташқари, тизимга халқаро касалликлар таснифи даражасида маълумотлар базаси киритилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган даволаш-диагностика стандартлари ҳам мавжуд. Мутахассислар бундан фойдаланиб, даволаш ишларини самарали йўлга қўйишади. Фуқаролар эса саноқли дақиқада ўз касаллик тарихидан кўчирма олишлари ҳам мумкин.

Айни пайтда Наманган вилоятидаги ўнта тиббиёт муассасасида ана шундай автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш устида иш олиб борилаяпти.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Моддий-техника таъминоти бошқармаси

танлов эълон қилади.

Танловда хорижий фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов предметлари:
- рақамли видеокамералар;
- моноблок типидаги шахсий компьютер;
- LCD (LED) телевизорлар;
- факс аппаратлари;
- USB DVD ёзув қурилмалари;
- вирусга қарши лицензияли дастурий таъминот.

Эълоннинг амал қилиш ва таклифларни қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун.

Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 231-49-73, 256-39-88. Факс: (0-371) 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz

79А/43

WorldBuild Tashkent

Ўзбекистоннинг етакчи қурилиш кўргазмасига марҳамат!

2018 йил 28 февраль — 2 март.

Ўзбекистон, Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК, 1 ва 2-павильон.

www.worldbuild-tashkent.uz

Махсус бўлим: ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

BuildTech

Дастлабки икки кун фақат тармоқ профессионаллари таклиф этилади!

WorldBuild Tashkent

ITE

ITECA EXHIBITIONS
Тел.: (+99871) 205-18-18.
E-mail: uzbuild@ite-uzbekistan.uz

ON-LINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

Guvohnoma № 3583

87R/770

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

галванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган галванизацияланган ва полимерик маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
0,4 мм. — **33 000** сўм / п.м.
0,5 мм. — **39 000** сўм / п.м.
0,7 мм. — **54 300** сўм / п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
RAL 3005 0,45 мм. — **48 000** сўм / п.м.
RAL 3005 0,50 мм. — **51 800** сўм / п.м.
RAL 6005 0,45 мм. — **48 300** сўм / п.м.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг: **(+ 99895) 197-00-93.**

69R/808

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига қарашли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Нуробод қўрғонида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «ГАЗ-3307» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 16 652 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 15 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 13 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805.

77А/146

«ELXOLDING» МЧЖ шаклидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

сотувга тақдим қилади.

Ғўза қатор ораларига ва очиқ майдонларга дон экишга мўлжалланган **универсал сеялка УСЗД-3,6-0,9**

«ELDOSH EL 150» русумли юк мотоцикллари

Махсулот омборларда доим мавжуд.

Тўлов шакли — исталган тарзда.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй.
Телефонлар: (+99891) 541-90-41, (+99866) 234-22-72.

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

11А/615

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси меҳнат фахрийси

Абдуқодир НИЁЗОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 245. 139 325 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6786

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 23.30 1 3 4 5 6